



Аллоҳ таоло “Нур” сурасининг 27-оятида шундай дейди:

«Эй мўминлар, ўз уйларингиздан бошқа уйларга то изн сўрамагуningизча ва эгаларига салом бермагуningизча кирмангиз».

59-оятида эса:

«Качон гўдакларингиз балоғатга етсалар, улар ҳам ҳудди улардан илгари (балоғатга етганлар) каби изн сўрасинлар».

Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳумо шундай дейди: Бир ҳожат билан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига бориб, эшикни тақиллатдим. Ичкаридан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

- Ким у?», дедилар.
- Мен... -, дедим.
- Мен... Мен... деб гўё ёқтиргандай такрорладилар.

Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳумо шундай дейди: Бир ҳожат билан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига бориб, эшикни тақиллатдим. Ичкаридан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам:



Ҳадисада Ҳамада Ҳашимийнинг Ҳадисада Саъд розияллоҳу анҳу шундай дейди: Бир киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳужралари тирқишидан қаради. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам қўлларида тароқ билан соchlарини тараб турган эдилар.

Ҳалиги кишига: «Агар қараётганингни билсан, шуни кўзингга тиқиб олган бўлардим. Ахир изн сўраш кўз)номахрамларга тушиб қолмаслиги) учун буюрилган», дедилар.

Ҳадисада : Ҳамада Ҳашимийнинг Ҳадисада Саъд розияллоҳу анҳу шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига келиб, киришга рухсат ҳам сўрамай, салом ҳам бермай, тўғри олдиларига кириб бордим. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам менга: «Қайтинг, кейин “Ассалому алайкум, кирсам майлими?” деб айтинг», дедилар.

Ҳадисада Ҳамада Ҳашимийнинг Ҳадисада Саъд розияллоҳу анҳу шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига келиб, киришга рухсат ҳам сўрамай, салом ҳам бермай, тўғри олдиларига кириб бордим. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам менга: «Қайтинг, кейин “Ассалому алайкум, кирсам майлими?” деб айтинг», дедилар.

Муттафақун алайҳ бўлган ҳадисда Абу Мусо ал-Ашъарий розияллоҳу анҳу айтади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Агар



биронтангиз уч марта изн сўраса-ю, изн берилмаса қайтиб кетсин.

Шарҳ:

Одамларнинг авратларини ва ўзларига хос ишларини бегона кўзлардан сақлаш мақсадида уйларга изн сўраб кириш динимиз буюруқларидан. Изн сўраш – манзилга киришдан аввал кўзни ичкарига югуртиргмаган ҳолда уч марта қўнғироқ чалиш, эшик қоқиш ёки хонадон эгасини чақириш билан бўлади. Агар уч бор чақиргандан сўнг чиқмаса, тўртинчи бор чақириб ўтирмай, соҳиби хона айни пайтда чиқишига имконсиз экан деб, яхши гумон билан қайтиб кетади.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1. Эшикдан киришдан аввал рухсат сўраш лозим.
2. Эшик қоқкан кишига ичкаридан “кимсиз?” дейилса, исм шарифини айтади, “мен” деб туравермайди.
3. Хонадон соҳибини чақириш уч марта бўлади, жавоб бўлмаса қайтиб кетади.